

ФОЛЬКЛОР – МИЛЛИЙ, МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ МАНБА СИФАТИДА

Бегмуратова Гулбахор Асаматдийновна

Кегейли тумани ихтисослаштирилган мактаб

Фольклор деганда фақат оғзаки сўз санъати эмас, умуман халқнинг этник, маданий-маънавий, бадий санъати ва адабий мерослари тушунилади. Шу боис фольклор асарлари тадқиқига нисбатан “фольклоризм” истилоҳи кенг қўлланилса ҳам бу терминга оид турлича назарий қарашлар мавжуд. Фольклоризм тушунчаси ҳар хил аспектта ёндашиш мумкин бўлган феномен бўлиб, этнологик, социологик, санъатшунослик, адабиётшунослик, муסיқашунослик фанларида бу истилоҳ маъноси тобора кенгайади.

Масалан, рус мунаққиди В.В.Гусев “Фольклорни яхлитликда ўрганиш” тадқиқотида фольклорни ўрганишнинг уч хил концепциясини тақдим этади [Гусев В.В., 1991. –7]. Немец олими Х.Мозернинг фольклоризм тушунчаси тўғрисидаги қарашлари ҳам илмий асосланган умумлашмадир [Moser H., 1962. – 177-209].

Унинг “Туризмни ривожлантиришда, минтақага туристларни жалб қилиш рекламаларида “фольклоризм” истилоҳи калит сўз сифатида жуда асқотади” деган фикри бугунги кунда амалда ўз тасдиғини топган. Албатта, бу каби турлича илмий қарашлар ўз йуналишларида ўзини оқлайди. Лекин, ўзбек ва қорақалпоқ олимларининг ишларида фольклор асарлари кўпинча маънавий бойлик сифатидаги аҳамиятига кўпроқ урғу берилиб, адабиётшунослар ва фольклоршунослар фольклор асарларини сақлаб қолиш ва уларни авлоддан авлодга тақдим этиш тамойилидан боради. Ўзбек фольклоршунослигида Т.Мирзаев, М.Жўраев, Ж.Эшонқулов [Мирзаев Т., 2008., Жўраев М., 2006., Эшонқулов Ж., 1999.] каби мунаққидларнинг илмий ишлари шулар жумласидандир.

Мақолада биз олима С.Баҳадированинг фольклор асарларини тадқиқ этишдаги ўзига хос хусусиятини ва олиманинг изланишлари самарасининг маънавий ва моддий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамиятини таҳлил қиламиз.

Қорақалпоқ фольклоршуноси С.Баҳадирова қорақалпоқ дostonлари, жировлари ижоди буйича кўп йиллардан буён тадқиқот олиб борган олимадир. Унинг “Қарақалпоқ қандай халқ” деган китобида “Қарақалпоқ жирови” тўғрисида жуда баҳоли фикрлар билдирилган бўлиб, мунаққиднинг қарашлари жаҳон санъатшунослигида **қорақалпоқ жирови феномони** ўзига хос муносиб ўрнига эга эканлигини илмий асослаб бериши билан аҳамиятлидир. Олима бу китобида: “*Бошқа жирови бор халқларнинг фольклоридаги “жиров” сўзининг маъно ва мазмуни қорақалпоқ фольклоридаги маъноси билан (“Жиров” сўзи*

назарда тугилаяпти. Б.Г.) фарқланади. Шунинг учун, фольклоршуносликка “Қорақалпоқ жирови” терминини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Қорақалпоқ жирови—достонни қўбизда (репертуарида бир юз ўттизга яқин мелодия бор) эпосни томоқни қириб гуркираган овози билан фақат қаҳроманлик эпосларнигина ижро қиладиган жирчи”[Баҳадирова С., 2017.– 128]. деган илмий-назарий ва амалий хулосани тақдим этади.

Дарҳақиқат, олиманинг **“Қорақалпоқ жирови”** истилоҳи тўғрисидаги асосли илмий-амалий хулосалари жаҳон фольклоршунослигида қизиқарли ҳодиса ҳисобланади. Чунки олима бошқа туркий халқларнинг жировчилик-бахшичилик санъати билан бирга уларнинг ижро усуллари ва қорақалпоқ жировларининг достонларни ижро этиш хусусиятларини қиёсий таҳлил қилган. Айниқса, олима жиров наволарининг (жиров намалари –Б.Г.) жойлашув тартиби тўғрисида фикр юритиб, бир жировнинг бир достонни, масалан, “Едиге” достонини Ўтенияз жировнинг 14000 сатрдан иборат достонни 100 дан ортиқ наво билан, ҳар бир навонинг ҳар қайталанишида турлича мақом билан ижро этганини мисол тариқасида келтириб, ҳар бир жиров репертуаридаги жиров мусиқалари бир-бирини такрорламаслигига, ҳар бир жиров наволарининг 4-5 вариантларига эга эканлигига диққат қаратади ва фактологик мисоллар келтиради. Бу хулосалари орқали олима халқимизнинг миллий мусиқа маданиятининг жуда юксак эканлиги, буни қорақалпоқ жировларининг достонларни ижро этишида намоён этганлигини алоҳида эътироф этади.

Шу билан бирга, олиманинг “жировлар мактаби” тўғрисидаги илмий фикрлари ҳам жуда катта эътиборга молик масалалардан. Чунки, жировлик санъати биринчи навбатда, Аллоҳ томонидан ато этилган овоз, илоҳий истеъдод соҳибларига насиб қилади. Жаҳон фольклор мусиқашунослигидаги муайян шакллардан иборат ноталарни ёдлаш билан бу санъатни тўла эгаллаб бўлмайди. Демак, халқ орасида шундай истеъдод соҳибларига ўз ижодини ривожлантириш ва сақлаш, уни отадан болага етказишни тизимли равишда йулга қуйиш лозим. Бугунги кунда фақат достоннинг бир, ёки икки-уч бўлимини ёдлаш билангина чекланиб қолаётган истеъдодли ёшларга “қорақалпоқ жирови” истилоҳини англатиш ва унга муяссар бўлиши, изланишларида давом эттириши учун уларга назарий ва амалий билимлар беришда “жировлар мактаби” жуда зарур. “Жировлар мактаби” қорақалпоқ жировчилиги тарихида “Сўппасли Сипира жиров”, “Жийен жиров”, ундан кейин XVIII-XIX асрлардаги ва XX асрнинг боши ва ўрталаридан бугунга қадар “жировлар йули, устоз-шогирд, йуналиш” турида шаклланган. Лекин уни сақлаш, назарий ва амалий билимлар билан бойитиш, ҳар бир жировнинг ижод йулини, ўзига хос хусусиятларини, тафавутларни ўрганишда жировчилик

мактаби амалий чора-тадбир ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил, 30-сентябрдаги 595-сонли қарорига мувофиқ ҳозирги кунда Нукус шаҳрида “Опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб” 2021-йилдан бошлаб ўз фаолиятини бошлаганлигини маълум. Айнан, мана шу мактабнинг ўқув дастури концепциясидан, албатта, С.Баҳадированинг “қорақалпоқ жирови” тўғрисидаги илмий хулосалари илмий-назарий ва амалий, методологик қўлланма сифатида ўрин олиши лозим.

Шунингдек, биз таҳлил қилган “Қорақалпоқ қандай халқ” номли китобидаги олиманинг “қорақалпоқ жирови” тўғрисидаги илмий фикрлари қорақалпоқ фольклоршунослигида ҳам “фольклоризм” истилоҳини давлатимизда туризм соҳасини ривожлантириш учун, минтақамизга туристларни жалб қилиш мақсадида ҳам кенг қўлланиш имконини беради.

Масалан, қорақалпоқ жирови ижроси сўнгги йилларда Қорақалпоғистоннинг Муйноқ шаҳрида ҳар йили ташкил қилиниб келаётган “Стихия” мусиқа фестиваллари дастуридан ҳам ўрин олса ва фестиваль рекламаларида жиров ижросига алоҳида эътибор қаратилса, жаҳон буйлаб мусиқа шайдоларининг, мусиқашуносларнинг катта қизиқишини уйғотиши аниқ ватуристларни яна да кўпроқ жалб қилинишини таъминлаши мумкин.

Албатта, бундай чора-тадбирлар орқали нафақат миллий маънавий ҳаётимиз, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин. Бу ерда халқнинг миллий маънавий бойлигини моддийлик билан боғлаш тўғрисидаги Х.Мозернинг концепцияси С.Баҳадированинг изланишларида яна да такомиллашиб, бу илмий концепция хулосаларидан соҳаларда мақсадли фойдаланиш назарда тутилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, фольклор асарларини тадқиқ этиш ва уларни тарғиб қилиш фанни халқнинг маънавий, маиший, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан узвий боғлаш демакдир. Айниқса, халқ фольклор санъатидан нафақат миллий ва маънавий бойлик сифатида, балки иқтисодий жабҳаларда ҳам кенг фойдаланиш истиқболли режалар сирасига киради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Баҳадырова С. Қарақалпақ қандай халық. – Ташкент: Наврўз, 2017.
2. Гусев В.В. Комплексное изучение фольклора // Фольклор в современном мире. – Москва: Наука, 1991.
3. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008.; Жўраев М., Нарзикулова М. Миф. Фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ваталқин. – Қарши: Насаф, 1999.
4. Moser H. Vom Folklorismus in unserer Zeit / H. Moser // Zeitschrift für Volkskunde. – 1962. – № 58. – S. 177-209.